

К. К. Алавий

**Мустаҳкам асосни
излаб**

~

УДК 21
ББК 86.3
А 45

Алавий К.К.

А 45 Мустаҳкам асосни излаб, 1-б. – Б.: УМИД
НУРИ, 2008, – 40 б.

ISBN 978-9967-435-00-3

А 0403000000-08

УДК 21
ББК 86.3

ISBN 978-9967-435-00-3

© УМИД НУРИ, 2008

Мен ҳаётимдаги энг қувончли воқеа – Нажоткоримиз Масиҳни қандай қабул қилганлигимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Бу воқеа илоҳий эзгулик, Худованднинг менга Ўз севгисини қандай намоён қилгани ва нажот топишимга қандай йўл кўрсатгани ҳақида.

Яхшиси, ҳаммасини бошидан айтиб бера қолай.

БОЛАЛИК

Мен 1951 йилнинг 15 июлида туғилганман. Отам Ҳиндистоннинг жанубидаги Керал штатида қарашли Черуккуни деган кичкина қишлоқнинг мулласи эди. Диндорлиги ва ислом қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиши туфайли қишлоқда оиламиз катта обрў топган эди. Отамнинг асосий вазибаларидан бири қишлоғимизнинг эътиқодли аҳолисига араб тилидаги Қуръонни ўқиб бериш эди. Аммо отам қанчалик банд бўлишига қарамай болаларига буни ўргатишни ҳам унутмади.

Ҳозиргача эслайман, намозшом тоат-ибодатидан кейин отамнинг тиззасида ўтириб, Қуръондан парча эшитар эдим. Биз учун ҳар бир кун Қуръони Каримни ўқиш ва намоз билан бошланиб, уни ўқиш ва намоз билан тугар эди.

Беш ёшга тўлганимдан сўнг, араб тилини ўрганиб, Қуръонни мустақил ўқий олсин, деган мақсадда мени

яқин орадаги мадрасага бердилар. Мадрасада бошқа умумтаълим фанлари ҳам ўқитилар эди. Ўн ёшга тўлганимда Каттакўл деган жойдаги оддий мактабга бордим. Мактаб уйимиздан узоқ эмас эди. У ерда бир ярим йил ўқидим. Аммо бу мактабда ўқишим охирига етмади, сабабини кейин айтиб бераман.

АЖОЙИБ КУН

Бир шанбада (бу кун Каттакўлда бозор бўлади) мен дўстим билан уйга қайтаётган эдик.

Бозор ўртасида бир тўда оломоннинг тўпланиб турганини кўрдик. Яқинроқ бориб қарасак, бир тўда масихийлар одамларни йиғиб, ўзларининг мазҳаби, Масих ҳаётидан айрим лавҳаларни ҳикоя қилиб, масихийликка оид адабиётларни сотаётган эканлар. Дастлаб буларнинг ҳаммаси бизга ғалати туюлди, воизларнинг ҳам устидан кула бошладик. Кейин, ўзимиз билмаган ҳолда, иккита китобча сотиб олдик. Меники “Пакнинг юраги”, дўстимники эса “Нажот йўли”, деган китоб эди. Йўлда биз кўрганимизни, умуман масихийларни муҳокама қилиб кетдик. У йўқ – бу йўқ дўстим китобчасини майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Гарчи ўша пайтда мен масихийлардан нафратлансам ҳам, китобчани сақлашга қарор қилдим. Уйга келиб, хилват жой топдим-да, “Пакнинг юраги”ни ўқий бошладим. Ки-

тобчада бир бола ва масихий ўртасида бўлган қизик суҳбат ёзилган эди. Китобчани ўқиб, мен ўйланиб қолдим: китобчада тилга олинган Ийсо ўша Ийсо пайғамбарнинг ўзи эмасми? Зотан, муаллимларимиздан У ҳақда кўп эшитган эдим. Тўғри, менинг қарашимча, бу Ийсо Қуръондаги Ийсога айнан ўхшамас эдим. Масалан, мен Унинг гуноҳни кечира олиши ҳақида ўқидим. Қолаверса, айнан Унинг меҳрибонлиги китоб қаҳрамонини бутунлай ўзгартди. Бу эса менда Ийсога нисбатан майл уйғотди.

Боланинг руҳий ҳаётини ўқиётганимда, масихий худди менинг юрагимдан ҳам муружаат этаётгандек сездим. Ҳатто менинг юрагим у боланикига нисбатан хазин бўлиб туюлди. Руҳнинг бундай хасталигидан қутулиш мумкинми? Китоб қутулиш имконини кўрсатган эди, аммо мен уни инкор қилдим, чунки бизга ҳар доим, гуноҳни Ийсо пайғамбар эмас, фақат ёлғиз Оллоҳ кечиради, деб ўргатган эдилар. Шунга қарамай китобда ўқиганим қалбимда чуқур из қолдирди. Менда ўзига хос гуноҳкорлик туйғуси пайдо бўлди. Энди ўлганимдан сўнг менга нима бўлади?

Ахир, ўлимдан, даҳшатли ҳукмдан ҳеч ким қочиб қутула олмайди-ку! Узоқ ўйлаб, Ийсо ҳақида кўпроқ билиш керак экан, деган хулосага келдим. Китобда масихийлик сиртқи курси эълон қилинган бўлиб, бу курс ёзишмалар бўйича олиб борилади. Ана шу курс ёрдамида бу ҳақда билиб олмоқчи бўлдим.

МАШҒУЛОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Сиртқи таълим маркази тез орда менга керакли материалларни юборди. Лекин бахтга қарши, почтачи уларни менга эмас, амакимга олиб келиб берибди. Амаким конвертни очиб, масиҳийликка оид китобларни топиб олибди. Эртаси куни у ҳамма материалларни отамга ва бошқа ака укаларимга кўрсатган эди, улар машғулотга боришимни тақиқлаб қўйдилар.

Кечкурун мактабдан қайтиб келдим. Отам мени айвоннинг бурчагига устунга боғлаб қўйиб, йиқилиб қолгунимга қадар таёқ билан урди. Эртасига эрталаб у мени олдига чакириб, юмшоқлик билан деди: “Биз, мусулмонларга бундай китобларни ўқиш ярашмайди. Улар бизга тақиқланган. Масиҳийликка оид китоблар, айниқса хавфли. Улар шундай жозибалики, агар уларни ўқий бошласак, ўзимиз ҳам масиҳий бўлиб қоламиз. Кейин оиламиз нима бўлади? Бизни исломни ҳақоратлаган, диндан қайтган, деб айблайдилар, жамоа биздан юз ўгиради. Бутун ҳаётимиз барбод бўлади”.

Мен отамга, энди ҳеч қачон масиҳийликка оид китобларга қўл теккизмайман, деб ваъда бердим. Китобни йиртиб, ёқиб юбордим, дўстимдан ибрат олганим ва илгарироқ бу ишни қилмаганим учун ўзимдан ранжидим. Шу пайтдан бошлаб мўмин мусулмон бўлиб қолдим. Бирорта ҳам белгиланган намозни қўймай ўқийдиган бўлдим.

Вақт ўтиб борарди, олдинги шубҳалар йўқолди, ҳар сафар китоб ҳақида ўйлансам, кўнглимда хавотирлик пайдо бўлар ва ўз жоним ҳақида қайғурур эдим.

Ҳар куни кечкурун Қуръон оятларини ўқиш жараёнида “Ийсо” деган номни бир неча марта такрорласам-у, қандай Уни унутаман? Ниҳоят бир қарорга келдим – Қуръон ва бошқа мусулмонлик адабиётларидан Ийсонинг ҳаётини ўрганиш керак.

Араб тилини яхши билмас эдим, лекин шу пайтдан бошлаб оиламизнинг яқин дўсти бўлмиш Юсуф Малавий кўли остида араб тилини тиришиб ўргана бошладим. У бизнинг уйимиз яқинидаги ислом мактабида араб тили муаллими эди. Тез орада Ийсонинг Қуръон ва ҳадисларда муҳим ўрин эгаллашини билиб олдим. Менга ҳатто Ийсо Қуръонда Муҳаммад пайғамбардан ҳам кўра катта мавқе эгаллангандай туюлди. Кўп ўтмай, муаллим ҳам, оиладагилар ҳам Ийсо ҳақида кўпроқ ўйланаётганимдан шубҳалана бошладилар ва Муҳаммадга кўпроқ эътибор бериш керак эканлигини маслаҳат бердилар. Шунга қарамай мен яна боягидек Қуръондаги Ийсонинг ғайритабиий туғилиш тарихи, У қилган ажойиботлар тасвирланган воқеалар билан қизиқа бошладим.

“Эсланг (Эй Муҳаммад), фаришталар: “Ё Марям, албатта Оллоҳ сенга Ўзининг Сўзини хушхабар қилиб берадики, унинг исми ал-Масиҳ Ийсо бинни Марям бўлиб, дунё охирада обрўли ва

(Оллоҳнинг) яқинларидан бўлур ҳамда одамларга гўдаклик пайтида ҳам вояга етган чоғидагидек гапирур. Ва солиҳ бандалардан бўлур” деганларида Марям: “Парвардигорим, менга ҳеч бир зот тегмаган бўлса, қаердан менда фарзанд бўлсин?” – деди. Фаришта айтди: “Шундай, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсасини (Ўзи хоҳлаган суратда) яратади. Қачон бирон ишни ирода қилса, унга: “Бўл!” – дейди. Бас, у иш бўлади.”

Ва унга (Ийсога) ёзиш ва хикмат илмини, Таврот ва Инжилни таълим беради ҳамда уни бани Исроил қавмига пайғамбар қилади (Ийсо бани Исроилга дейди): “Мен (Ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвадигорингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Оллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, мохов касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликни тирилтаман, ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларинигизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир”.

“Мен сизларга ўзимдан олдинги Тавротни (ҳақ эканлигини) тасдиқловчи бўлгани ҳолда, сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун (келдим), Ва сизларга Павардигорингиздан оят-далил келтирдим. Бас, Оллоҳдан

**қўрқингиз ва менга итоат қилингиз! Албатта
Оллоҳ Парвардигорим ва Парвардигорингиздир.
Бас, Унга бандалик қилингиз! Мана шу тўғри
йўлдир!”** (3 – сура, 45-51 оят)

Мен шунингдек, Қуръоннинг Таврот (Қадимги Аҳд) ва Инжил (Янги Аҳд) га суянишини билиб олдим. Таврот ва Инжил “раҳнамолик ва ёруғлик” бўлгани учун мени ҳам ишонишга даъват қиларди. Айниқса эсимга тез-тез қуйидаги оят тушарди:

“Эй Муҳаммад), агар Биз сизга нозил этган нарсадан (Яъни илгари ўтган қавмлар ҳақида нозил қилган оятларимиздан) шубҳада бўлсангиз, у ҳолда ўзингиздан аввалги Китоб (яъни Таврот ёки Инжил) ўқийдиган кишилардан сўранг! Аниқки, сизга Парвардигорингиз томонидан Ҳақ – Қуръон келди. Бас, ҳаргиз шубҳа қилувчилардан бўлманг!”
(10 сура, 94 оят)

Бу оятни ўқиганимда, масиҳийлар ва уларнинг китобчаси эсимга тушарди. Ахир, исломнинг гувоҳлик беришича, масиҳийлар ҳам “аҳли Китоб” ҳисобланади-ку!” Агар Қуръон Муҳаммад пайғамбарга, шубҳаларингни масиҳийлар билан ўртоқлаш, деб даъват қилаётган экан, нега мен ҳам шундай қилмаслигим керак? Аммо масиҳийларга мурожаат этишим осон эмас эди, чунки мен шу пайтгача

улар билан мулоқот қилмаган эдим. Бундан ташқари оиладагилар бу ҳаракатимни қўлламаслиги аниқ эди.

Уйимиз яқинида масиҳийлар миссиясининг касал-хонаси бор эди, бир куни ошнам Абдулла икковимиз у ерга яширинча киришга қарор қилдик. У ерда биз дори-шунос жаноб Қуныюқуныони учратиб қолдик. У миссия вакилини излаб топишда бизга жон дилдан ёрдам берди. Биз ёш, тажрибасиз бўлиб, бизни қандай йўл кутаётганини билмас эдик, шунинг учун асабийлаша бошладик. Бироқ миссионер бизни дўстона табриклади, ўзимизни эркин ҳис қилдик. У биз билан бир оз гаплашиб, кимлигимизни, қаердан келганлигимизни билиб олди. Бизни ўзларининг яқшанбалик мактабига ташриф буюришимизни таклиф қилди ва масиҳийлик адабиётлари кутуб-хонасининг қироатхонасига жўнатди. У ерда биз кутуб-хоначи билан танишиб олдик. У бора-бора менинг яқин дўстимгагина эмас, ҳақиқий акамга айланди, қўпгина кўнгилсиз ва қийин пайтларда у ёрдам берди. У мени сиртқи гуруҳга ёзиб қўйди, у ерда Юҳаннонинг Инжилидаги масиҳийлик таълимоти асослари ўрганилар экан. Бир неча ҳафта давомида биз Абдулла билан бирга ота-оналаримиздан яширинча яқшанбалик мактабга қатнадик. Баъзан янги орттирган дўстим йўл ҳақиға пул берар, баъзида эса уйдан мактабгача беш минутда пиёда яёв борар эдик. Бир куни бизни йўлда қўшниларимиз ушлаб олишди. Улар Абдуллани “Ҳар яқшанба қаерга боряпсизлар?” – деб, қаттиқ сўроқ қила бошладилар, кейин айбни бўйнига олмагунича урдилар.

Кейинги кун кечкурун мактабдан қайтдим-у, онам билан опамнинг йиғлаб турганини кўрдим. Отам менга нима тайёрлаб қўйганини улар билардилар. Уйга киришим биланоқ отам менга ташланди, боғлаб, деворга суяб қўйди, урди, кейин аччиқ қалампирни юзларимга суркади. Шунча жазо бериб ҳам, отам: “Нега мен ман қилганимга қарамай масиҳийликка оид адабиётларни ўқияпсан, масиҳийлар билан алоқа қилишга қандай журъат этдинг?” – деб, тергай бошлади. Онам чидай олмади, хушидан кетиб йиқилди. Бир кунча вақт ўтгандан кейин бир қўшни аёл ва келинойим қўлимдан етаклаб бочканинг олдига олиб бордилар ва кўзларимни ювиб қўйдилар.

Эртаси куни эргалаб отам мени олдига чакирди ва мусулмон динининг рамзини қайтаришни амр қилди: “Оллоҳда бошқа Худо йўқ, Муҳаммад Унинг пайғамбаридир”. Кейин у менга масиҳийлик таълимоти бузилганлигини, Инжилдаги ривоятларнинг сохталаштирилгани ва масиҳийларнинг номақбул ҳаёти ҳақида ҳикоя қила бошлади, сўнг келинга “унинг масиҳийликка оид китобларини ёқиб юборгин” – деб, айтди. У ўша заҳоти отамнинг айтганларини бажарди. Бўлиб ўтган воқеалар менда шунчалик нохуш таассурот қолдирдики, мен хўнг-хўнг йиғладим. Энди мен бошқа Инжилдан ва янги дўстларим билан бўладиган суҳбатдан маҳрумман, Ийсо ҳақида ҳеч ҳам била олмайман, – деб ўйладим.

“Пакнинг юраги” китобчамни ўзим ёқиб юборган жойдан ўтаётганимда, шундай ажойиб китобни ёқдим-

а, деб афсусландим. У китобда ҳам кўнгилсиз, бутунлай оғир вазият тасвирланганини, мен ҳам бошимдан шундай оғир вазият тасвирланаётганини эсладим. Бола гуноҳи кечирилиб, енгил тортганини эсладим, кўнглимдаги оғир гуноҳни янада қаттиқроқ ҳис қила бошладим.

Мусулмон сифатида шуни билар эдимки, гуноҳларимиз учун ўзимиз масъулиятни бўйинга оламиз, бошқалар юкини ҳеч ким олиб юролмайти **(Қуръон, 6 сура 164 оят)**. Ундай бўлса, қандай қилиб Ийсо кимларнидир кечири олди?

Муаммоларни ўзим ҳал қилишга кучим етмаслигини билиб, мени собит қил, йўл кўрсат, деб Раббийга ибодат қилдим.

Ўзимнинг гуноҳкорлигимни англаганимдан кейин, тинчим йўқолди. У нарса эса юрагимга тинимсиз азоб берарди. Икки ҳафтадан сўнг масиҳий дўстларим билан учрашишга кучли истак пайдо бўлди. Мен бошимдан кечириётган азоб-укубатлар, шубҳаларни ким биландир ўртоқлашим керак эди. Миссионер руҳимни кўтариб, мени қўллаб-қувватлади, масиҳийлик дини, одатлари ҳақидаги турли саволларимга жавоб берди. Унинг жавоблари кўнглимни кўтарди. Унинг нафақат Муқаддас Китоб (Библия) ни, балки Қуръонни, умуман мусулмонлик мазҳабини яхши билишини сездим.

Уйга Инжилни кўтариб қайтдим, уни кутубхоначи дўстим совға қилди. Мен совғадан жуда мамнун бўлдим, иккинчи томондан уйдагилардан бирортаси кўриб қолса-я, деб кўрқдим! Шунинг учун Инжил-

ни пластик халтага солиб, ўрмондаги тош остига яширдим. Кейин тез-тез ўрмонга борадиган бўлдим, айниқса Юҳаннонинг Инжилини кўп ўқирдим. Бу китобдаги Масих айтган куйидаги оят менга бир қадар таскин берди:

“Юрагингиз ғаш бўлмасин. Худога ишонинг, Менга ҳам ишонинг” (Юҳанно 14:1)

Айниқса, “Менга ҳам ишонинг”, деган гап менда кучли таассурот қолдирди. Қалбим шу пайтгача хавотирда бўлиб, аламли эди, лекин шу оят менга таскин берди.

Кейинги якшанба куни мен якшанбалик мактабига кетаётиб, автобусда амакимни кўриб қолдим. Шу заҳоти калламга “Отам билиб қолса нима бўлади, менга у тақиқлаган эди-ку!?” – деган фикр келиб, титраб кетдим.

Масихийлар билан танишганимга қадар, улар ҳақида фақат ёмон гап эшитганим учун, менда нотўғри тушунча шаклланган эди. Бироқ миссионер ва унинг турмуш тарзи ҳамда унинг мусулмонларга муносабатини яқиндан билиб олганимдан кейин, бундай айблар унга тегишли эмаслигини тушуниб етдим. Энди янги шубҳалар пайдо бўлди. Мусулмонларга қараганда унинг севгиси юқорими? Бундан пайғамбарим мени севгандан кўра, Ийсо уни кўпроқ севган, деган маъно келиб чиқмайдими? Бу саволлар мени баттар саросимага солиб қўйди, Масихни Худо ўрнида қабул қиладиган жамики мусулмонлар,

шунингдек масиҳийлар ҳам кофир ҳисобланади, деб қарашга одатланган эдим. Куръон бу масала юзасидан шундай дейди:

“Оллоҳ – Масиҳ бинни Марямдир” – деган кимсалар аниқ кофир бўладилар. Ҳолбуки, Масиҳ: “Эй бани Исроил, Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳга бандалик қилингиз!” – демишдир. Албатта кимда-ким Оллоҳга ширк келтирса, Оллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас, Оллоҳ – Учтанинг (яъни Оллоҳ – Марям Ийсонинг) биридир” деган кимсалар ҳам аниқ кофир бўладилар. Чунки ягона илоҳдан бошқа бирор оллоҳ йўқдир. Агар айтаётган гапларидан тўхтамасалар, албатта улардан кофир бўлган кимсаларни аламли азоб ушлайди”.

(5 сура, 72-73 оятлар)

Шу ўринда айтишим лозимки, мен илгари ўзимни Худога итоатгўй мусулмон – масиҳийлардан кўра такводорроқман, деб ҳисоблар эдим. Лекин гуноҳларимни англай борганим сари бир нарсани тушуниб етдим: мен эмас, балки миссионер ўзини Парвардигорининг хоҳиш иродасига топширган экан. Унинг хатти-ҳаракатлари шуни кўрсатиб турарди. Қолаверса, унинг севгиси Ийсо Масиҳдан келиши менга аён бўлди. Ҳаммаси мен биринчи марта “Пакнинг юраги” китобида ўқигандай бўлиб чиқди.

Ийсонинг севгиси мени Ўзига магнитдай тортди. “Эҳ, Ийсо менинг Устозим бўлганда эдимиз, Уни шундай севар эдим-ки!” деб ўйладим. Бироқ фикримга масиҳий бўлиш ғояси келиши биланок, уни мусулмонлигимча қолганим учун, худди шайтон васвасаси сингари қувиб чиқардим.

Якшанбалик мактабидан кўркув билан қайтдим, лекин ҳар қандай жазога ўзимни тайёрлаб келган эдим. Икки кун ўтди, лекин ҳеч қандай воқеа юз бермади. Учинчи куни мактабдан қайтиб келганимдан сўнг отам мени ушлади-да, ерга кўтариб урди, таёқ билан шунақанги урди-ки, ўлиб қолишимга оз қолди. Онам менга ёрдам беришга интилди, аммо отам уни ҳам урди. Парвардигорнинг шафоати туфайли соғайиб кетдим. Яна илгаргидай тавба-тазарру қилдим ва мусулмон динининг рамзини айтдим, масиҳийлар билан энди алоқа қилмайман, деб отамга ваъда бердим. Лекин бу фақат хийла бўлиб, калтаклардан қутулишнинг йўли эди.

Дўстим Абдулла мусибатларим ҳақида бутун қишлоққа овоза қилибди. Ҳаётим мураккаблашиб қолди. Атрофдагилар устимдан кулдилар, ҳақорат қилдилар, ҳатто тош отдилар. Мактабдан қайтаётганимда, ҳар тарафдан: “Лаънати муртад! Қаранглар масиҳий келяпти”, деган қичқириқлар келди. Ҳатто ота-онам, дўстларим, муаллимларим менга нисбатан шафқатсиз эди. Мен ёлғиз, сўлғин, эзилган эдим. У пайтда менинг ягона дўстим Инжили Шариф эди. Бирор воқеа юз берса, мен ўрмонга бориб, Муқаддас Ёзувни ўрганар эдим.

Инжилни яширинча ўқиб, дилимда ботиний ихтилофнинг таниш туйғуларини бошимдан кечирдим, унинг туб моҳияти менинг муслмонлик эътиқодимга очиқ ойдин қарши турарди. Ундан саросимага тушмаслик ҳақиқий муслмон учун қанчалик қийин, лекин Ийсонинг қуйидаги сўзлари қанчалик чуқур мазмунли, ҳар қандай қалбни ларзага солади ва фикр туғилади!

“Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди”

(Юҳанно 14: 6)

“Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Ийсо Масиҳни таниб билишдан иборатдир”

(Юҳанно 17:3)

“Уни қабул қилганларга эса, барча Унинг номига имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш эркини берди”

(Юҳанно 1:12)

“Ким Мени севса, Менинг сўзимга амал қилади. Отам ҳам уни севади. Биз Унинг хузурига келиб, Ўзимизга маскан яратамиз”

(Юҳанно 14:23)

Мен бу оятларнинг мазмунини тушунтириб берадиган бирор одамни билмасдим. “Менинг раҳнамоим бўл”, деб Раббийга илтижо қилишда давом этдим.

СЕВГИ БИЛАН ЧЕКЛАНГАН ҲОЛДА

Оғриқ босилди, яраларим битди, лекин масихона севги ва китобларнинг таъсири қолди. Мен яна масихий дўстларим билан алоқаларни тиклашга эҳтиёж сездим, улар билан тезроқ кўришишга қарор қилдим. Қариндошларим ва дўстларим буни билиб қолдилар. Шунчалик кўрқдим-ки, уйга бутунлай қайтиб келмасликка қарор қилдим. Миссионер билан учрашиб, бошимдан кечирган азобларимни айтиб бердим. Калтак изларини кўрсатдим. “Майсоргача етиб олишимга ёрдам берсангиз”, – деб ундан илтимос қилдим. У ерда турмушга чиққан опам яшарди. Опам мени яхши кўрарди, у ва эри менинг у ерда қолишим учун ижозат беришига шубҳа қилмас эдим. Лекин миссионер менга: “Фақат улғайганингдан кейин кетсанг бўлади, унгача тинчгина уйингда яша, имон ва севгида ўсгин, оилангга ва дўстларингга баракали таъсир кўрсатгин”, – деб уйга қайтишимни маслаҳат барди. Тангри Таоло ҳеч қачон Ўз ҳимматидан сени бебахра қолдирмайди, ҳар доим сенинг Нажоткоринг, Ҳимоячинг ва Дўстинг бўлиб қолади, деб мени ишонтирди. У пайтда мен 7 синфда ўқирдим. Сухбатимиз қоронғи тушгунча давом этди. Уйга мен бир ўзим қайтишга кўрқдим ва кутубхонанинг қироатхонасида тунаш учун қолишга рухсат сўрадим. Кейинги куни ҳам у ерда дўстим К. Р. Жорж билан ўтказдим. Баъзи

кўшнилари менинг масиҳийлик миссиясига кетган-лигимни билардилар. Мени олиб кетиш учун у ерга полиция билан келдилар. Улар кутубхоначидан зудлик билан мени қайтариб беришини талаб қилдилар, ҳатто балоғатга етмаган болани ўғирлагансан, деб уни айбладилар. Бунга жавобан дўстим деди: “Алавий ўз хоҳиши билан шу ерда қолди. Сизлар уни олиб кетишларингиз мумкин, фақат болани энди урманглар”. Миссияда ишлайдиган бир неча мусулмон масиҳийлар дўстларига ёрдамга келдилар. Мени таъқиб қилиб келганлар билан уларнинг ўртасида жанжал бошланди. Улар тортишиб турганларида мен орқа эшикдан қочиб кетдим ва жўнадим, ўзимни эса гўё чўмилаётгандек қилиб кўрсатдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, қишлоғимиз мусулмонлари мени тутиб олиб, “Мапила – Наду” деган мусулмон қироатхонасига олиб келдилар. У ерда мени чинакамига тергов қила бошладилар, бақирдилар, ҳақорат қилдилар. Шу вақтда онам мени қариндошларимизнинг уйларидан ахтариб юрган экан. Бахтимга дарров поччам пайдо бўла қолди. Мени ғазабланган мусулмонлар қўлидан кутқариб олди. Биз уйга етиб борган ҳам эдик-ки, отам синглимни “амакигларни чақариб кел”, деб жўнатди. Уйимиз ёнида оломон тўпланди.

Ҳамма йиғилгандан сўнг отам уларга: “Алавийни нима қиламиз? У масиҳийлар билан алоқа қилмаслиги учун барча чораларни қилиб кўрдик. Яна қандай чора

кўриш мумкин?” – деб мурожаат қилди. Бир амаки, бўғизлаб ташла, деган эди, иккинчиси ҳам уни тўла кўллаб қувватлади. Учинчиси “Очидан ўлдир”, – деб маслаҳат берди.

Агар биринчи маслаҳатга биноан иш тутсалар, бутун оиламизни қамокқа ўтказишлари турган гап. Бу гапларни эшитиб онам: “Агар ўғлимни ўлдирмоқчи бўлсангизлар, аввал мени ўлдириңлар!” – деб кичқирди. Мен аччиқ-аччиқ йиғлар эдим. Уларнинг қарорларини кутиб, кўнглимдан кечирган оғриқ ва кўркувни тасвирлашим қийин. Ниҳоят йиғилганлар учинчи амакимнинг маслаҳатидан фойдаланишга қарор қилдилар. Хукм чиқарилганидан кейин улардан бири, то отам тўхтатмагунича шафқатсизларча ура бошлади. Кейин у қўлларимни орқамга боғлади, шу аҳволда уч ҳафта қолиб кетдим. Отамнинг амрига кўра менга қунига бир марта овқат берилиши керак эди. У уйда бўлмаганида эса онам тўйғазиб кўяр эди.

Бир куни отам уйга укаси ва қишлоғимизнинг темирчиси билан келди. Амаким мендан отам олдида мусулмонлик динининг рамзини такрорлашни илтимос қилди, аммо мен бирон сўз айта олмадим. Онам ва синглим: “Итоат қил, уларнинг талабини бажар!” – деб ёлвордилар. Лекин мен жим туравердим. Нима бўлганини билмас эдим. Афтидан нутқ қобилиятини йўқотган эдим... Охири отам темирчига: “Оёғига қишан солиб, деворга занжирлаб қўй”, деб буюрди. Шу аҳволда яна олти ҳафтани ўтказдим. Китобини йир-

тиб ташлаган собиқ дўстим Абдулла вақти-вақти билан мени йўқлаб турди ва: “шундай қилишингга нима мажбур этди”, деб сўрарди. Ҳаммаси ўша китобчадан бошланганини у биларди. Мен жавоб бермас эдим. Занжир билан юра олмас эдим, полда ётиб, Инжили Шарифдаги қуйидаги сўзларни эсладим:

“Юрагингиз ғаш бўлмасин, Худога ишонинг, Менга ҳам ишонингиз!” (Юҳанно 14:1)

“Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади” (Юҳанно 8:32)

Ийсонинг бу сўзлари менинг аҳволимдагиларга кулгили эшитилмасмикан, деб ўзимдан-ўзим сўрардим. Йўқ зинҳор бундай эмас. Бундай қийин аҳволдан биз Унинг баракатини ҳис қиламиз. У ҳар қачонгидан кўра ҳам менга яқин эди. Ҳатто ўрмонда яширин Инжилни ўқиган дақиқаларимдан ҳам яқин эди.

ИЛОҲИЙ НАЖОТ

Олти ҳафтадан сўнг мен қочиб кетдим. Онаминг тоғаваччаси менга ёрдам берди. Уйда ҳеч ким йўқлигида у кишанни синдирди. Шу пайтдан бошлаб, менга эркин яшашга ижозат берилди, ҳеч ким мени қайта кишанлашни истамади. Бундан ташқари, бутун

оиламнинг менга муносабати яхши бўлиб қолди. Икки ҳафта уйда яшадим. Шу вақт ичида доим ўзимга-ўзим: “Нима учун қалбимга осойишталик эмас, кўркув солган оилада яшашим керак?” – деб савол берар эдим. Натижада уйдан қочиб кетиш фикри туғилди.

Бир куни тушдан кейин онамга разм солдим, тўсатдан кўзимга ёш тўлди, ахир у менинг режаларимдан беҳабар эди-да! Уй билан хайрлашиш дақиқалари етиб келди. Онамга “Чўмилишга кетаяпман”, – дедим-да, чиқиб жўнадим. Шу ва бошқа ёлгон гапларим учун Раббим кечирсин. Мен заифлигим учун шунга мажбур бўлдим, шекилли.

Темир йўл бекатигача пиёда ўн милни босиб ўтдим. У ердан Каликут шаҳригача поездда жўнадим. Бу шаҳар қишлоғимиздан 30 мил эди. Поезддан тушиб, иш қидира бошладим. Ниҳоят бир кафедан иш топдим. Лекин узоқ вақт ҳаётим беҳаловат ўтди.

Охири билишимча, бадарға бўлиб юрганимда, масиҳий дўстларим ҳам менинг азоб укубатларимдан қутулишим учун курашган эканлар, мен учун ибодат қилиб, қандай ёрдам бериш ҳақида ўйлаганлар, аммо бирор нарса қилишга ожиз эканлар. Шу вақт мусулмонларнинг дин арбоблари қишлоғимиз аҳолисига масиҳийлик миссиясидан узоқроқ турунлар, уларнинг яқлисига болаларингизни берманглар, деб буйруқ берибдилар. Дўстларим ҳар хил ҳужумларга йўлиқибдилар: мусулмонлар радиокарнай орқали чиқиб, уларни ҳақоратлаганлар, миссиянинг дарвозасини қоровул

кўриқлаган ва ҳеч кимни у ерга қўйманганлар. Мусулмонларга фақат дорихона ва шифохонага кириш учун рухсат берганлар. Кўп ўтмай, ҳаммаси изига тушиб кетган. Радиокарнай орқали: “Келинлар, масихийларни безовта қилмайлик, кўпроқ Оллоҳнинг йўлида меҳнат қилайлик!” – деган чақириқ тарқалган. Бир неча ҳафта ўтгач, зиддиятлар бартараф бўлган.

Кафе хўжайини мусулмон эди. У навбатдаги сиртки Библия курсига ёзилганим учун мендан хафа эди. Кафеда яна беш ой ишладим, кейин Каликутдан Майсорга – опамникига жўнадим. У ерда Жоржга хат ёзиб, миссиядаги ҳамма дўстларимга хушхабар етказишини илтимос қилдим. Шундан сўнг улар Раббий мени қамоқдан қутқарганини билибдилар. Мактубни “Ҳаммаси жойида, Раббийга тинмай ибодат қиляпман”, деб тугатдим.

Майсорда поччамникида бир йилча ишлаб, она юртимга қайтдим. Яна дўстларим билан юз кўришдим, менинг келганимдан улар жуда хурсанд бўлдилар. Афсуски, миссионер билан кўришиш имкони бўлмади, у ўша пайтда ватанига кетиб қолган экан. Бир оз вақт ўтгач, Майсорга қайтиб келиб, поччамнинг меҳмонхонасида хизмат қила бошладим. Кейин унинг тавсиясига кўра маҳаллий телеграфнинг тармоқ монтери бўлиб шогирд тушдим. У ерда мени бахтсизлик кутиб турган экан, соним қаттиқ шикастланди ва ишдан кетишга мажбур бўлдим.

Аммо чора топилди. Тез орада мен Малаборга даволаниш учун кетдим. У ерда масихийлик мисси-

ясининг касалхонасида дўстим ишлар эди. Дўстимнинг ёрдамида тиббий текширувидан ўтдим. Бундан ташқари, Малаборда миссионер билан учрашиб қолдик. У пайтда миссионер яна Ҳиндистонга қайтиб келган экан. У мени кўрганидан хурсанд бўлиб кетди. Мен бошимдан кечирган кўргилик ва дарбадарлигим ҳақида айтиб бердим. Ўша вақтда кўп одамлар мен учун ибодат қилганларини ундан эшитиб билдим. Миссионер мен орқали ўз ҳамкасбига хат ёзиб берди ва даволанишимда ёрдам беришини дўстидан илтимос қилди. Янги дўстим билан учрашувдан жуда хурсанд бўлдим. Қолаверса, у менинг маънавий устозларимдан бири, хотини эса онамдек бўлиб қолди. Ўша миссионернинг ва унинг врач дўсти ёрдамида Веллор тиббиёт коллежи қошидаги масиҳийлар касалхонасига даволаниш учун жойлашишга муваффақ бўлдим.

Касалхонадан қайтиб келгач, Майсордаги Хинд миссионер масиҳийлик ташкилотига ишга кирдим. Уч ой ишладим. Мен масиҳийликка оид адабиётларни тарқатиш ва Масиҳ ҳақида хушхабар айтиш билан шуғулландим. Опам билан поччам менинг ишларимдан хабар топганларидан кейин қаттиқ хафа бўлдилар, мени уйларига қўймайдиган бўлдилар. Лекин миссионер Гундулупет шаҳридаги масиҳий пасторнинг уйига жойлаб қўйди. Пастор ва унинг оиласи билан суҳбатлашиш менга катта қувонч бахш этди.

Тўрт ой давомида масиҳийликни ўрганиш учун имкон яратилди. Кейин мен ҳинд лютеранлар жамо-

атига ўтдим ва жанубий Ҳиндистоннинг турли бурчакларида масиҳийликка оид адабиётларни тарқатиш билан шуғулландим. Худо мени хизмат қилишга даъват этган пайт ҳам етиб келди.

Шу йиллар давомида Муқаддас Китобни батафсилроқ ўрганишни орзу қилиб келдим. Ниҳоят, бир неча йиллик орзуимни амалга ошириш имкони туғилганидан қанчалик хурсанд бўлганимни тасаввур қиларсиз. 1970 йили Наржеркойл шаҳридаги Конкордия семинариясининг бир йиллик Библия курсига кирдим. Семинария кутубхонасидан ҳам исломга оид кўпгина яхши китоблар топдим. Ўша китоблар илгариги шубҳаларимга барҳам беришга ёрдам қилди.

НУРГА ЭРИШИШ

Энди ўқиш учун имконият туғилди. Асосий эътиборни Нажоткоримизнинг шахсияти ва меҳнатларига қаратдим. Бунинг учун Қуръондаги Масиҳ эсланган оятларни Муқаддас Китобдан тўпланган янги билимлар билан солиштирдим.

Ҳаммасидан ҳам Масиҳнинг бегуноҳлиги ва бошқа одамларнинг гуноҳини кечириш ҳуқуқи мени ҳаяжонга солди. Қуръонда эсланган бегуноҳ Ийсо ва гуноҳкор пайғамбарлар ўртасидаги қарама-қаршилик мени хайратга солди. Қуръондаги Муҳаммад пайғамбарга

қарата айтилган мана бу оятларни ўзини олиб кўриш кифоя қилади:

“(Эй Мухаммад), токи Оллоҳ сизнинг гуноҳингиздан илгари ўтган ва кейин келадиган нарсалар (барча гуноҳларингиз) ни мағфират қилиш учун ва сизга Ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни Тўғри Йўлга ҳидоят қилиш учун ҳамда Оллоҳ сизга қудратли ёрдам бериши учун, дарҳақиқат, Биз сизга очиқ-равшан фатҳ-ғалаба ато этдик”.

(48 сура, 1-3 оятлар)

“Бас, (Эй Мухаммад, сизга мушриклар томонидан етаётган озор-азиятлар) сабр қилинг – зеро Оллоҳнинг (Ўз пайғамбарлари ва мўминларига ёрдам бериш ҳақидаги) ваъдаси ҳақдир – ва гуноҳингизга мағфират сўранг ҳамда туну-кун Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг!”

(40 сура, 55 оят)

“Бас (Эй Мухаммад), ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Оллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Оллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезар жойларингизни ҳам, (охиратда) борар жойларингизни ҳам билур”

(47 сура, 19 оят)

Бундан ташқари Қуръонда бундай дейилади:

“(Қиёмат кунда) ҳеч бир кўтаргучи (яъни гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юкини (яъни гуноҳини) кўтармас” (35 сура, 18 оят)

Бироқ Қуръонда Фаришта Жаброилнинг биби Марямга айтган шундай гапи бор:

“(Кўрқмагин), мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигорингнинг элчисидирман, холос” (19 сура, 19 оят)

Бу далилни суннат ҳам тасдиқлайди:

“Ҳар бир башар фарзанди туғилишдан оқ шайтонга даҳлдордир, фақат биби Марям ва унинг ўғли бундан фориғдурлар”.

Инжилда ҳам Масихнинг покизалиги ва беғуноҳлиги ўз аксини топган:

“Қайси бирингиз Мени бирон гуноҳ билан айблай оласиз? Агарда ҳақиқатни сўзлаётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар?” (Юҳанно 8:46)

Яна Инжилда, Масих бизнинг гуноҳимизни ювади, деб айтади:

“Гуноҳ қилувчи ҳар бир киши қонун бузар билан тенгдир. Гуноҳ – қонунсизлик демакдир. Масих эса гуноҳларимизни аритиш учун пайдо бўлганини биласизлар. Унда гуноҳ йўқ” (1 Юҳанно 3:4,5)

Эҳтимол, бошқа одамларнинг гуноҳини кўтариши учун Ийсога гуноҳсиз жон ато этилгандир? Қуръонда Ийсонинг покизалиги айтилади, лекин Худо Марямга бегуноҳ фарзанд ато этиш билан қандай мақсадни кўзлагани тушунтирилмайди.

Сўнгра Қуръонда Ийсога бошқа ҳеч қайси пайғамбар ёки ҳаворийда бўлмаган хусусиятлар берилган:

“Эй аҳли китоб (Ийсони худо дейиш билан) динингизда ҳаддингиздан ошмангиз! Оллоҳ шаънига эса фақат ҳақ гапни айтингиз! Албатта ал- Масих Ийсо бинни Марям фақат Оллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга етказган Сўзи ҳамда Унинг томонидан етказган руҳ (Соҳибидир), холос. Бас, Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз! (Тангри) учта (яъни Оллоҳ, Марям ва Ийсо – учалари ҳам тангридирлар)” демангиз! (Бундай ботил эътиқоддан) тўхтангиз, шунда ўзингиз учун яхши бўлур. Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ яккаю ягонадир...” (4 сура, 171 оят)

Фаришта Жаброил эса Марямга шундай сўзлар билан мурожаат этади:

“(Жаброил) айтади: “Шундай, Парвардигоринг айтурки, бу (иш) Менга осондур. (У яна айтурки), Биз у (болани) одамлар учун оят-мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат-марҳамат қилурмиз. Бу битган ишдир” (19 сура, 21 оят)

Яна: **“...Биз ўз тарафимиздан бўлган руҳни унга пуфладик (ва у Ийсога ҳомиладор бўлди) ва унинг ҳамда ўғлини барча оламлар учун оят-ибрат қилдик” (21 сура 91 оят)**

Қуръонда Ийсо ҳақида нима айтилмасин, У шубҳасиз ноёб Шахс – Тангри Каломи ва Парвардигорнинг Руҳи бўлиб гавдаланади. Қуръонда айтилишича, Масих – чинакам Яратувчи, шифо берувчи, ҳатто ўликларни тирилтириш лаёқатига эга (3 сура, 49 оят). Шу ўринда Унинг арши аълога кўтарилиши ва ҳозиргача турганлиги айтилади.

Тадқиқотларим натижасида Қуръонда ва Муқаддас Китобдаги “Худо Ўғли” ифодасининг қўлланилишдаги фарқларни тушуна бошладим. Худо ҳомиладор қилди ёки ўзи ҳомиладорлик орқали туғилган эди, деган тушунчани Қуръон инкор қилади. Бундай шарҳни Муқаддас Китоб ҳам рад қилади. Охир-оқибатда шундай қарорга келдим: Ийсо Худонинг Каломи, деб айтилгани сингари илоҳий мазмунда “Худонинг Ўғли”, деб

айтилиши мумкин. Шу ўринда яна Қуръондан миннатдор бўлдим, чунки у Муқаддас Китобдаги “Худо Ўғли” иборасини тўлиқ тушунишимда ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилди ва бу ифоданинг Ийсога нисбатан ноёб муҳр сифатида қўлланишини англаб етдим.

Мусулмонлар Масихнинг ўлими, тирилиши ва арши аълога кўтарилиши ҳақидаги Муқаддас Китобдаги тарихни “Нисо” сурасидаги қуйидаги оят орқали инкор қиладилар. Бунинг ҳеч шубҳаланадиган жойи йўқ:

“Оллоҳнинг пайғамбари бўлган ал-Масих Ийсо бинни Марямни бизлар ўлдирганмиз”, деган сўзлари сабабли (биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Ийсога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта Ийсо ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган – ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. Улар фақат гумонларга берилдилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир”. (4 сура, 157-159 оятлар)

Шунга қарамасдан Қуръоннинг бошқа жойларида Ийсонинг ўлими ҳақида фикр бор, бироқ мусулмон руҳонийлари ўша оятларни шарҳлашда ҳеч келиша олмадилар. Мана улардан энг муҳими:

“Менга туғилган кунимда ҳам, вафот бўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам, тинчлик-омонлик бўлур” (19 сура, 33 оят)

“Эй Муҳаммад), Оллоҳ айтган бу сўзларни эсланг: Эй Ийсо! Албатта Мен сени вафот қилдиргучи ва Ўз ҳузуримга кўтарувчиман. Ва кофирлар ёмонлигидан халос қилгучиман ҳамда то қиёмат кунигача сенга эргашган зотларни кофирлардан юқори кўюрман. Сўнгра Менга қайтажаксиз. Бас, Ўзим сизлар талашиб-тортишган нарсалар ҳақида ораларингизда ҳакамлик қилурман” (3 сура, 55 оят)

“Мен уларга фақат Ўзинг амр қилган гапнигина айтдим: Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳга ибодат қилингиз!” Ва ораларида бўлган муддатимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг ҳамма нарсага гувоҳдирсан” (5 сура, 117 оят)

Охирги икки оятдаги **“Мен сени вафот қилдиргучиман” (3:55)** ва **“Мени Ўз ҳузурингга чорлагаанингдан кейин” (5:117)** жумлаларига эътибор беринг. Бу жумлаларга асл нусхадаги “мутаваффика” ва “таваффомтани” сўзлари тўғри келади. Кўпгина ҳурматли мусулмон руҳонийлари Қуръонни шарҳлашда бу феълни “ҳаётдан маҳрум қилмоқ” ёки “ўлдирмоқ”, деб таржима қиладилар. Ийсонинг ўлими арши аълога кўтарилишидан олдин юз берган эди, деб кўрсатганлари учун, шундай таржимани маъқул кўрадилар.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Муқаддас Китоб Ийсо вафот этган ўрин ва ҳолатга нисбатан ҳар хил талқинларга ўрин қолдирмайди. Унинг оёқ-қўли михланган, ўлган, кейин эса дафн қилинган. Қуддус девори орқасида дафн қилинган. У пайтда Пилат Римнинг Яҳудиядаги ноиби эди. Тарихий далиллар шундан хабар беради. Муқаддас Китобда Ийсонинг ўлими ҳақида бир неча марта аниқ маълумотлар айтилади. Муқаддас Китоб Ийсонинг ўлими, тирилиши, арши аълога кўтарилиши ўртасидаги алоқани, шунингдек, Унинг ҳаётидаги бу уч буюк воқеанинг аҳамиятини кўрсатади.

Шундай қилиб, Янги Аҳддаги Масих Шахси устидаги кузатувларим Қуръондаги мана шу ва бошқа тушунчаларни англашимга ёрдам берди.

Бироқ бир масала бошимни қотиради: Қуръонга кўра, Ийсо башорат қилган Муҳаммад пайғамбар қандай зоҳир бўлди?

“Эсланг, Ийсо бинни Марям: “Эй Бани Исроил, албатта мен Оллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва Ўзимдан кейин келади-ган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар бергучи бўлган ҳолда (юборилдим) деган эди. Бас, қачонки (Исо) уларга (Ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига) аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: “Бу очиқ сеҳр”, дедилар”

(61 сура, 6 оят)

Арабча “Аҳмад” – “Худо сийлаган”, ёки “сийланган” демакдир. “Аҳмад” ва “Муҳаммад” – бир маънони билдирувчи сўзлар. Қуръоннинг мана шу жойида Ийсо Муҳаммаднинг зоҳир бўлишини башорат қиляпти, тўғри эмасми?

Лоақал, менга шундай ўргатганлар, мен ҳам шунга ишонганман.

Мен, Муқаддас Китобда Муҳаммад ҳақида нима дейилган экан, деган мақсадда уни ўргандим, лекин ҳеч нарса топа олмадим. Кейин шу саволни устозларимга бердим, улар ҳам, Муқаддас Китобда бу ҳақда ҳеч нарса айтилмаган, деб тасдиқлашди. Бир куни Қуръоннинг мусулмонча тафсирини варақлаб ўтириб, Муқаддас Китобдан келтирилган кўчирмаларни топдим. У ерда Инжилдаги қуйидаги оятга эътибор бердим:

**“Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади”
(Юҳанно 14:16)**

“Юпатувчи” – юнонча “параклетос” (асл матн юнонча бўлган), деган иборада ёзилади. Тафсирчи дастлаб Инжилнинг юнонча матнида “периклутос” (Худо марҳамат қилган) ибораси қўлланилганлигини сабаб қилиб кўрсатган. Унинг фикрича, масихийлар Муҳаммад пайғамбарга тегишли далилларни йўқотиш мақсадида “периклутос” ни “параклетос” га алмаштирганлар.

Буларни ўқиб, каттиқ саросимага тушдим. Юнончани билмасдим, бундан ташқари, Муҳаммад пайғамбарга бўлган эътиқоддан қайтишим осон эмас эди. Муҳаммад пайғамбар илгаридай қалбимдан катта ўрин олган эди. Мен бу масалани юнон муаллимидан сўраб ҳал қилмоқчи бўлдим. Юнон тили муаллими эса, Юҳаннонинг Инжил матнида “периклутос” сўзи йўқ ва бўлмаган, деб жавоб берди. Кейин у Муқаддас Китобда азалдан қўлланган “параклетос” сўзининг маъносини менга яхшилаб тушунтириб берди. Гап шунда эдики, бу оятда (Юҳ. 14:16) Ийсо Муқаддас Рухнинг тушиши ҳақида айтади (Ҳаворийлар 2: 1-11). Муқаддас Рух ҳар доим Юпатувчи ва раҳнамо сифатида Худонинг азизлари билан бўлади.

Шу савол билан Худога ибодат қилиб мурожаат этишга қарор қилдим. Бир куни кечкурун ибодат қилиб бўлиб ётдим, аммо ухлай олмадим. Аллақандай овоз келдими, ёки менга шундай туюлдими, худди менга қарата: “Тур ва ўқи!” деган хитобни эшитгандай бўлдим. Дастлаб ҳаёлимда шундай бўлди шекилли, деб ўйладим. Лекин даъват қайта-қайта такрорланди. Ўрнимдан туриб Муқаддас Китобни очдим. Юҳаннога кўра Инжилдан қуйидаги оятларни бир неча марта ўқидим:

“Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар. Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади. Бу Юпатувчи – Ҳақиқат Рухидир. Дунё

Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир. У ичингизда яшайди”
(Юханно 14: 15-17)

Бу оятларни ўқир эканман, менда бир неча саволлар туғилди:

“Қуръонда ёки ҳадисларда бирор марта, Муҳаммад пайғамбар – доимо сен билан бирга бўладиган Ҳақиқат Руҳи, олам ҳали кўрмаган ва билмайдиган-у, лекин сенинг ичингда турадиган Юпатувчи, деб ўқиган эдингми?” – деб ўзимдан ўзим сўрадим. Тушундимки, бу сўзларда пайғамбарнинг келиши ҳақида ҳеч қандай башорат йўқ ва унинг ҳеч ҳам одамзод тоифасига алоқаси йўқ экан. Бундан ташқари илк масиҳийлар даврида бу башорат воқе бўлганини ва бу ҳақда “Ҳаворийлар фаолияти 2:1-11” да ҳикоя қилинганини эсладим. Ниҳоят, буюк ҳақиқатни тушуниб етдим. Ийсо ваъда қилган Юпатувчи Фаришта Жаброил эмас, балки Муқаддас Рух, тирик Худонинг Абадий Руҳи экан. Пировардида Ўзимнинг тажрибаларимга таяниб Муқаддас Рух кучини синовдан ўтказдим. У орқали мен Масиҳга келдим. Худога шукур! Омин!

Эҳтиёткорлик ва эътибор билан Қадимги ва Янги Аҳдни ўқишда давом этдим. Муқаддас Китобда бойликни кашф қилдим, бундай бойлик ҳақида ҳатто ҳеч қачон орзу қилмаган эдим. Унда Илоҳий ҳақиқат ва раҳнамоликни эгаллашни истаганлар учун маърифат-

ли қилиш кучи бор. У менга ўзимнинг худбинлигимни, гуноҳкор дилимни ва маънавий кўрлигимни кўрсатди. Бу абадий китобдан яна Ийсо Масих номи билан ибодат қилиб, ҳамма гуноҳларимни ва муаммоларимни Худога кўтариб боришим кераклигини тушундим. Ийсо бу оламга мени топиш учун ҳаётини берди, вақти келиб, У яна қайтади. Муқаддас Ёзув Парвардигорнинг ҳақиқий Каломи эканлигига имон келтирдим.

Муқаддас Китоб мени безовта қилган саволларимга жавоб берди. Унинг жонли суви қайғу-кулфатларимни енгиллаштирди, кўнглимни тўқ қилди.

Илгари маънавий ҳаётимда нима етишмаган бўлса, Муқаддас Ёзув орқали ўша нарсаларни кашф қилдим. Муқаддас Китобда Ийсонинг ишлари ва таълимоти ишончли ва тартибли равишда тасвирланган. Илгари масиҳийликка тушунмай, нотўғри муносабат билдирган эдим, ҳатто уларга нафрат билан қарардим. Энди Масиҳнинг ўлими, тирилиши, арши аълога кўтарилиши ва қайта келишига чин дилдан ишондим. Муқаддас Китоб нажотнинг илоҳий қудрати, менга ва жамики одамларга Раббимизнинг севгиси ҳақида хушxabар тарқатади. Бу Хушxabар қалбимизга осойишталик олиб келади.

Илоҳий севги Масиҳда, бизнинг гуноҳларимиз учун хочдаги ўлимида ва тирилишида янада тўлиқроқ ўз ифодасини топди. Ҳаворий Павлус Ийсо ҳақида шундай деган эди:

“Мен Худодан қабул қилганимни дастлаб сизларга топширган эдим, яъни Муқаддас Битикларга мувофиқ Масих гуноҳларимиз учун ўлди, У кўмилди ва учинчи куни тирилди”

(1 Кориф. 15: 3-4)

Шубҳасиз, кўпгина мусулмон дўстларим илгаргидай “Муқаддас Китоб бузилган, мукамал эмас, унда баён қилинганларни Қуръон рад қилади...” деб ўйлайдилар.

Агар улар Худонинг муқаддаслигини ва ўзларининг гуноҳкорлигини тушуниб етсалар, Муқаддас Ёзувнинг мазмуни ҳақида жиддий ўйлаб кўрсалар, айна муддао бўларди. Кейин эса хулоса чиқарсинлар ва ўзлари хоҳлаган йўл билан ҳақиқатга борсинлар. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўз вақтида шундай қилган эди.

ҚАТЪИЙ ҚАРОР

1970 йилнинг 19 июли куни ўзимни бутунлай Ийсо Масихга бағишлашга қарор қилдим. Барча гуноҳларим ва шубҳаларим учун тавба қилдим. Маросим бошланган пайтда, мени титроқ босди. Ичимга илоҳий қудрат кираётганини сездим. Руҳим хотиржам, қалбим қувончга тўлган, қатъий фикрли одам бўлиб ўрнимдан турдим. Бугун ҳам илгаригидай ўша хурсандчилик, умид, танлаган йўлимнинг тўғрилигига ишончни

хис қиялман. Тушунтириш қийин, лекин гуноҳларим Ийсо Масиҳнинг қимматли қони эвазига ювилганига ишонаман, У орқали янги ҳаётга севги ила куч олганимни юракдан сезаман. Қалбимда эса ханузгача Раббимиз Ийсо Масиҳнинг Ўзи ҳукмронлик қилади.

РАББИМИЗГА ХИЗМАТДАМАН

Тез орада менга “Оперейшн мобилайзешн” номли масиҳийлик ташкилотида ишлаш имконияти пайдо бўлди. Бу ташкилот Ҳиндистоннинг турли бурчакларида Инжил Хушхабарини ваъз қилиш билан машғул эди. Икки йил шу ерда ишладим. Юмуш билан Масиҳнинг издоши бўлиш нима эканлигини шу вақт давомида яхшироқ билиб олдим. Қийин пайтларда яратганнинг Ўзи ва ташкилотдаги дўстларим менга ёрдам қўлларини чўздилар, ўзлари билан бирга ишлашга имкон бердилар. Бунинг учун улардан миннатдорман. Кейин мен Конкордия илоҳиёт семинариясига қайтдим ва 1975 йили илоҳиёт курсини битирдим.

Ҳозирги кунда ўзим туғилган штатда ўз халқимга Инжил ёғдуларини тарқатиш билан шуғулланаяпман.

Худо буюк нажот инъомини қабул қилсин.

“Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди” (Юҳанно 14:6)

“Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Ийсо Масиҳни таниб-билишдан иборатдир”
(Юҳанно 17:3)

“Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади”
(Юҳанно 8:12)

ХУЛОСА

Мен Ийсо Масиҳни Ўзимнинг Нажоткорим, деб қабул қилдим. У менга бахт, тинчлик, орзу-умид ато этиб, ҳаётимни ўзгартирди.

Мен заиф эдим, Нажоткорим бақувват қилди. Худованд мени янги мақсадлар сари йўналтириш ва самода абадий ҳаёт ато этиш учун ҳаётимга кириб келгандек бўлди.

Раббийнинг самовий оиласига мансуб эканлигимга аминман ва улуғ пайғамбар Шох Довуднинг қуйидаги сўзларига ишонаман:

“Ота-онам мени ташлаб кетса-да, Худованд мени қабул қилар” (Забур 26:10).

Қайғули кунларимда, шубҳада қолганимда, васвасага тушганимда Унинг юзига қарасам бўлди, ҳаммаси ўтиб кетади.

Танҳолик, ҳорғинлик, ғамгинлик дақиқаларимда баракати учун Нажоткоримни мақтаб, кўкларга кўтараман.

Ийсо айтган эди:

“Сизлар Мени эмас, Мен сизларни танладим. Бориб ҳосил беринглар ва ҳосилингиз боқий бўлсин, деб сизларни танладим. Шундай қилиб, Менинг номимдан Отадан нимаики сўрасангизлар, У сизларга беради” (Юҳанно 15:16)

Мен Уни эмас, У мени танлади.

У туфайли Пакнниг ўтмиши Алавийнинг ўтмишига айланди.

Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга ҳозир ҳам, то абад шон-шараф бўлсин! Омин!

*Агар сизда савол тугилса, ёки
бирон бошқа адабиёт олмоқчи бўлсангиз,*

*манзилига, ёки
kitepter@gmail.com электрон почтасига
хат ёзишингиз мумкин.*